



**“Хоразмсувқурилиш” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгаши мажлисининг**

« 1 » сонли БАЁНИ

2022 йил 17 январь

Урганч шаҳри

Қатнашдилар: Кузатув кенгаши аъзолари: Р.Машарипов, У.Қаландаров, Қ.Матсапаев, А.Қурбанов, Н. Хўжаниёзов, М. Жуманиёзов  
Мажлис кворуми 85,7 фоиз йиғилиш ваколатли деб ҳисобланди.

Таклиф қилинди: Жамият бошқаруви раиси – Р. Каримов, Бош ҳисобчи-Қ.Йўлдошев, Акциядорлар билан корпоратив алоқа хизмати етакчи мутахассиси-М. Бобониязов, Бош мутахассис А. Саттаров, Бош мутахассис Б.Рўзимов, жамиятга қарашли корхоналар директорлари.

**КУН ТАРТИБИ :**

“Хоразмсувқурилиш” АЖ бошқарув раиси Р.Каримовнинг 2022 йил 17 -январдаги Жамият кузатув кенгаши раисига ёзган аризаси тўғрисида.

**ЭШИТИЛДИ :**

Мажлисни жамият кузатув кенгаши раиси Р.Машарипов очиб, кун тартибига киритилган масала билан таништирди.

Кун тартибига киритилган масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Р.Машарипов, жамият бошқаруви раиси Р.Каримовнинг кузатув кенгаши аъзоларига, соғлиги ёмонлашганлиги, соғлигини тиклаш учун узок муддат даволаниши кераклигини ҳамда нафақага чиққанлигини, жамият бошқаруви раиси вазифасини бажара олмаслигини билдириб ариза ёзганлигини, жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинчалик бажариш учун жамиятга қарашли «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонаси директори П. Мадрахимов номзодини таклиф қилганлигини шунингдек ушбу ариза юзасидан жамият кузатув кенгаши, Давлат активларини бошқариш агентлигига хат билан мурожаат қилинганлигини билдирди.

Кузатув кенгаши аъзоси А.Қурбанов, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 28 январдаги 03/08-1-18/248 сонли хатида, жамият раҳбарининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи, кузатув кенгаши ваколоти доирасига кириши, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356 - сон қарори талабларига кўра, устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси бош Вазирининг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга ошириш белгиланганлигини, шунингдек жамият молия хўжалик фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажаришни таклиф этилган номзод “Урганчсувқурилишмонтаж” УК раҳбари Мадрахимов Полванназар Ибрагимовичга юклашга Агентлик томонидан эътироз йўқлиги билдирилганлигини маълум қилди.

Шунданг сўнг, Р. Каримовнинг аризаси кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, бир овоздан унинг аризасини маъқулладилар.

Шу муносабат билан кузатув кенгаши аъзолари, жамият ижро органи раиси лавозимига белгиланган тартибда танлов ўтказилгунга қадар “Хоразмсувқурилиш” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи этиб, «Урганчсувқурилишмонтаж» УК директори П.Мадрахимовни тайинлашга бир овоздан келишилди.

Кун тартибига киритилган масала муҳокамасидан сўнг, Кузатув кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

1. “Хоразмсувқурилиш” АЖ бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Р.Каримовнинг 2022 йил 17-январдаги аризаси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 28 январдаги 03/08-1-18/248 сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Хоразмсувқурилиш” АЖ бошқарув раиси вақтинчалик вазифасини бажарувчи Р. Каримовнинг 2021 йил 31 майдаги жамият кузатув кенгаши раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 2022 йилнинг 17 январидан бекор қилинсин.


3. Жамият ижро органи лавозимига белгиланган тартибда танлов ўтказилганга қадар, “Хоразмсувқурилиш” акциядорлик жамияти бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажариш, жамиятнинг “Урганчсувқурилишмонтаж” УК директори Мадрахимов Полванназар Ибрагимович зиммасига юклатилсин ва белгиланган тартибда жамият кузатув кенгаши раиси билан меҳнат шартнома имзоласин.

4. Жамият бошқарув раиси ўринбосари К.Жуманиёзовга, П. Мадрахимовнинг Жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинчалик бажариш ва Р. Каримовнинг жамият ижро органи раиси лавозимидан озод қилиш бўйича буйруқларни имзолаш ваколати берилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш, жамият кузатув кенгаши аъзоси А. Қурбанов зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши раиси :  Р. Машарипов

аъзолари :  У. Қаландаров

 Қ. Матсапаев

 Н. Хўжаниёзов

 А. Қурбанов

 М. Жуманиёзов

